

**БЕЗОРИЛИК ВА ОММАВИЙ ТАРТИБСИЗЛИКЛАР ОЛДИНИ ОЛИШ
ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СИСТЕМЫ ПРЕДОТВРАЩЕНИЯ ХУЛИГАНСТВА
И МАССОВЫХ БЕСПОРЯДКОВ**

**IMPROVEMENT OF THE SYSTEM FOR PREVENTING HOOLIGANISM AND
MASS DISTURBANCES**

А.А.Қабулов

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хафсизлиги

университети мустақил изланувчиси

Мазкур мақолада безорилик ва оммавий тартибсизликларни олдини олиши тизимини такомиллаштириши масалалари таҳлил қилинади. Уибу жиноятларнинг олдини олиши учун ҳуқуқий, профилактик ва ижтимоий чора-тадбирларни такомиллаштириши йўналишилари кўриб чиқлади. Шунингдек, жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқий тартибни таъминлашда давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлик механизмлари муҳокама қилинади.

Калит сўзлар: Безорилик, оммавий тартибсизликлар, олдини олиши, ҳуқуқий чора-тадбирлар, жамоат хавфсизлиги, ҳамкорлик.

В данной статье анализируются вопросы совершенствования системы предотвращения хулиганства и массовых беспорядков. Рассматриваются направления улучшения правовых, профилактических и социальных мер для предотвращения данных преступлений. Также обсуждаются механизмы взаимодействия государственных органов и общественных организаций в обеспечении общественной безопасности и правопорядка.

Ключевые слова: Хулиганство, массовые беспорядки, предотвращение, правовые меры, общественная безопасность, сотрудничество.

This article analyzes the issues of improving the system for preventing hooliganism and mass disturbances. It considers the directions for enhancing legal, preventive, and social measures to prevent these crimes. Mechanisms for cooperation between state bodies and public organizations in ensuring public safety and law and order are also discussed.

Keywords: Hooliganism, mass disturbances, prevention, legal measures, public safety, cooperation.

Безорилик профилактикасида асосий роль ички ишлар органлари ва Миллий гвардияга тегишли бўлиб, улар ўз кучларини биринчи навбатда, жамиятга очикдан очиқ ҳурматсизликда намоён бўлувчи жамоат тартиби қўпол равишда бузилмаслигига, фуқароларга кўчада тажовузлар содир қилинмаслигига, кундалик турмушда ва бўш вақтда содир қилинадиган қилмишларни бартараф қилишга қаратишади. Тезкор-

қидирув хусусиятдаги тадбирлар ёрдамида безориликнинг сабаблари ва шароитлари аниқланади ҳамда бартараф этилади.

Безорилик профилактикасининг ташкилий асосларини ҳуқукий тартибга солишдагимуаммони бартараф этиш учун қўйидаги учта асосий масала ҳал қилиниши лозим: 1) профилактикани амалга оширувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари; 2) ўзига нисбатан профилактика амалга оширилаётган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари; 3) жиноятлардан жабрланаётган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари (жабрланувчи мақоми)га аниқлик киритилиб қонунда мустаҳкамланиши лозим. Жаҳонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш олий даражадаги умуминсоний қадриятга айланаётган бир пайтда, ушбу масала янада долзарблашади.

Безориликнинг олдини олишда мажбурлов чораларини қўллаш ҳам муҳим ҳисобланади. Ушбу чоралар маҳсус субъектлар (давлат органлари) томонидан амалга оширилади. Бу эса, безориликнинг олдини олишга йўналтирилган ихтисослаштирилган фаолият мақомига эга бўлиб, маҳсус даражадаги профилактика саналади. Чунки, у безориликнинг олдини олишга қаратилган маҳсус тадбирларни қамраб олади. Бундай тадбирлар бошқа профилактик тадбирлардан ўзининг маҳсус мўлжалланганлиги ва алоҳида мақсадга йўналганлиги билан ажralиб туради.

Демак, безорилик профилактикасида маҳсус профилактика таъсири остига тушувчи обьектнинг мавжудлиги ўз навбатида, маҳсус ваколатга эга субъектлар тизимини аниқлаштиришни ҳам талаб этиади. Бироқ аниқ вазиятда безориликнинг маҳсус профилактикасини амалга ошириш нафақат ички таъсир (муайян бир орган, масалан ички ишлар органлари доирасида), балки ташқи таъсир (ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар доирасида) ҳам куч ва воситалар жалб этилади. Бу борада айниқса, маълумотлар алмашиш, ҳисобга олишнинг замонавий компьютер тизими жорий этилиши зарур ва унда безорилик содир этган, ундан жабр кўрганлар акс этиши лозим.

Профилактика амалиётида ҳуқукий тавсифнинг мавжуд эмаслиги, қонун нормаларидан фойдаланишда прокуратура, адлия, ички ишлар ва суд органларининг ушбу йўналишдаги фаолиятида ягона ёндашув йўқлигидан далолат беради⁵¹.

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»⁵²ти қонунида профилактика субъектларининг профилактик фаолиятини мувофиқлаштирилишига алоҳида эътибор қаратилган бўлса-да, мувофиқлаштиришнинг ҳуқукий механизми қонунда белгиланмаган.

Шу ўринда, безорилик жиноятининг олдини олиш шакл, усул ва турларига ойдинлик киритиш зарурати юзага келади.

⁵¹ Гордеев А.Ю. К вопросу о положительном опыте предупреждения преступлений в зарубежных странах // Matters of Russian and International Law. 2017. № 7. С. 115-121. Карап: Корниенко А.В. Укрепляя законность и порядок // Криминологический журнал, – М. 2002. №1. – С. 28.

⁵² Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни. // URL: <https://lex.uz>

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида «шакл» – «қўриниш, расм, тарз, усул⁵³» деб изоҳланган.

«Хуқуқбузарликлар профилактикасининг шакли – бу, хуқуқбузарликлар профилактиканыда фаолият, хатти-ҳаракатлар мазмунининг ташки қўринишидир», профилактика шаклининг моҳиятини ёритишида хуқуқбузарликлар профилактикасининг мақсади, функцияси ва вазифаларига таяниш лозим⁵⁴.

С.Б.Хўжақулов хуқуқбузарликлар умумий профилактикаси шаклларини: ёзма, оғзаки, кўргазмали, электрон, назорат, қўриқлаш, кутқарув, белгили, СМС хабар, аралаш шакллари тариқасида шакллантиришни тавсия этади, аммо бизнинг фикримизча, безориликнинг олдини олишда юқоридаги профилактика шаклларининг барчаси ҳам кутилган самара бермайди.

Улар орасидан «назорат» шакли муҳим ўрин тутади.

Тадқиқотчи профилактик таъсир этишнинг назорат шаклини техник, қўриқлаш, хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар назорати ва жамоатчилик назоратидан иборат турларга⁵⁵ ажратади. Ушбу таснифни қўллаб-қувватлаймиз, унинг безорилик профилактикасига нисбатан татбиқ этилишини қўйидагича изоҳлаймиз: техник назорат техника ва электрон тизим имкониятларидан фойдаланиб, безориликнинг жамоат жойларида хусусан, кўчалар, майдонлар, истироҳат боғлари, вокзаллар, аэропортлар, аҳоли кўп қатнайдиган йўлакларда, бозорларда содир этилишини инобатга олиб, ушбу жойларга кузатув камераларни ўрнатиш орқали амалга оширилади.

Хуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг назорати ҳам безориликнинг олдини олишда яхши самара беради. Хусусан, ички ишлар органлари ёки Миллий гвардиянинг кўча ва жамоат жойларида патрулликни амалга оширишлари ўзига хос профилактик таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси «Жамоатчилик назорати тўғрисида»⁵⁶ ти қонунига мувофиқ жамоатчилик назорати хуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларига нисбатан қўлланилади, хуқуқбузарликлар профилактикаси объектларига нисбатан ҳам жамоатчилик назоратиамалга оширилади. Бу фуқаролар ва жамоат уюшмаларининг фаол иштироки орқали бевосита безориликнинг олди олинишида⁵⁷ намоён бўлади.

⁵³ Ўзбек тилининг изоҳли лугати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж.IV. Тартибот–Шукр/ Тахрир ҳайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошк. Ўз. Рес. ФА Тил ва адабиёт ин-ти. –Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2008. – 537 (608) б.

⁵⁴ Хўжақулов С.Б. Хуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш (Ички ишлар органлари фаолияти мисолида). Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2018, – Б. 13 (53).

⁵⁵ Хўжақулов С.Б. Хуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш (Ички ишлар органлари фаолияти мисолида). Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2018, – Б. 66 (156).

⁵⁶ Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 12 апрелдаги «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонун. // URL: <https://lex.uz>

⁵⁷ Ноговицина Е.Н. Правовые и организационные основы общественного контроля за деятельностью государственной инспекции безопасности дорожного движения / Орловский юридический институт МВД России имени В.В. Лукьянова, Наука и практика. 2014. № 1 (58). – С. 106–109.

Жиноятчиликка карши курашишда фаол иштирок этган фуқаро Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 январдаги 15-сон қарори⁵⁸ билан тасдиқланган «Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги фаол иштироки учун рағбатлантириш тартиби тўғрисида»ги Низом қоидаларига биноан рағбатлантириладилар.

Мазкур вазиятда профилактиканинг усул ва шакллари ўзаро қайтма алоқадор эканлигини кўришимиз мумкин. Яъни профилактиканинг шакли доирасида амалга оширилган чора-тадбир учун рағбатлантириш усули қўлланилаяпти.

С.Б.Хўжақулов ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, мазкур профилактика усулларининг қўйидаги таснифини ишлаб чиқкан:

- 1) огоҳлантириш (расмий, норасмий);
- 2) ишонтириш;
- 3) рағбатлантириш (моддий, маънавий, аралаш);
- 4) мажбурлаш (интизомий, маъмурий, моддий важиноий мажбурлаш чораларини қўллаш)⁵⁹.

Таъкидлаш жоизки, безорилик профилактикасининг ўзига хос алоҳида турлари мавжуд эмас. Безорилик профилактикасида профилактиканинг мавжуд турлари ва улар доирасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар тизимига асосланилади. Бошқача қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»⁶⁰ ги қонунда профилактиканинг умумий, маҳсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикандан иборат тўртта тури белгиланган бўлиб, безориликнинг профилактикаси айнан мазкур турлар, ушбу турлар доирасида амалга ошириладиган чора-тадбирларга таянилади.

Безориликнинг умумий профилактикаси қўйидаги чора-тадбирларни қамраб олади: безорилик профилактикасига оид дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш; безориликнинг олдини олиш бўйича аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғибот олиб бориш; безориликнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш; безориликнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берадиган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритиш.

⁵⁸ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 январдаги «Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги фаол иштироки учун рағбатлантириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 15-сон қарори // URL: <https://lex.uz/docs/3499747>

⁵⁹ Хўжақулов С.Б. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш (Ички ишлар органлари фаолияти мисолида). Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2018, – Б. 66 (156).

⁶⁰ Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги ЎРҚ-371-сон Қонуни // URL: <https://www.lex.uz/docs/2387357>.

Яқин-яқингача криминологик адабиётларда⁶¹ умумий ижтимоий профилактика тушунчаси кенг қўлланилиб келинган.

Айрим криминологлар ижтимоий профилактикани кенг тушунча деб билиб, бу борада ахлоқий (ахлоқиз хулқ-атворга йўл қўймаслик) умумҳуқуқий профилактика (кенг маънода ҳуқуқбузарликларни олдини олиш) тўғрисида фикр юритса ҳам бўлади⁶², деб ҳисоблайди.

Умумижтимоий олдини олишнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у салбий ҳодисалар, жумладан безориликнинг олдини олишга қаратилмайди, унинг профилактикасигакўмаклашади, холос. Аслида, умумижтимоий олдини олиш чоралари жиноятларга йўл қўймасликка, яъни маҳсус олдини олишга тўғри ва бевосита қаратилган барча чоралар мажмуининг асоси, базаси бўлиб хизмат қиласди. Безорилик – алоҳида ижтимоий воқелик, демак, унга қарши курашиш йўллари ижтимоий-ҳуқуқий тадбирлар соҳасида ётиши лозим, унинг самарадорлиги эса кўп ҳолларда ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш муваффакиятига боғлик бўлади. Аммо масаланинг бу жихати безориликнинг ҳам умумий, ҳам индивидуал профилактикасига тегишлайдир.

Н.Т.Исмоилов профилактиканинг турлари билан боғлиқ турлича қарашларни «профилактика» тушунчасининг кенг ёки тор маънода талқин этиш билан боғлиқ, деб ҳисоблайди. У ижтимоий ривожланишнинг энг умумий чоралари (масалан: меҳнат, дам олиш, турмуш ва тарбияни оқилона ташкил этиш)нинг жиноятлар профилактикаси доирасидан ташқарида эканлиги ҳақидаги нуқтаи назарга асосланилса, унда жиноятлар профилактикасининг умумижтимоий ва маҳсус (ёки маҳсус криминологик) турларга бўлишдан воз кечиши лозим деб ҳисоблаб, унинг ўрнига жиноятларни олдини

⁶¹ Хасмамедов Э.А. Уголовно-правовые и социальные меры предупреждения рецидивной преступности: Автореферат докторской диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – М., 1993. – 8 (22 с.); Абдуганиев У. Криминологическая характеристика и профилактика преступлений, совершенных несовершеннолетними. Докторская диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Т., 1994. – С. 156 (235 с.); Зарипов З.С., Исмаилов И. Криминология (Умумий қисм): Дарслик. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1996. – Б. 181 (228); Фомов С.В. Криминологическая характеристика и профилактика мошенничества в сфере оборота товарно-материалных ценностей: Автореферат кандидатской диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – М., 2000. – С. 6 (24 с.); Зарипов М.С. Криминологическая характеристика убийств, совершенных с собой жесткостью, и их предупреждение. дисс. канд. юрид. наук. – Т., 2000. – Б. 135 (159); Мишота В.А. Предупреждение сексуальных преступлений против несовершеннолетних в семье: Автореферат кандидатской диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – М., 2000. – 10 с.; Ниёзова С.С. Ўзгалар мулкини иштирокчиликда талон-тарож қилганлик учун жиноят-хуқуқий жавобгарлик муаммолари. юрид. фан. ном. ... дис. автореф. – Т., 2004. – Б. 16 (23); Курбонов Н.Б. Одамлардан фойдаланиш учун ёллаш жиноятида жавобгарлик масалалари (жиноят-хуқуқий ва криминологик жихатлари). юрид. фан. ном. дис. – Т., 2005. – Б. 180; Абдурасурова Қ.Р. Аёллар жиноятчилигининг жиноят ҳуқуқий ва криминологик муаммолари. юрид. фан. докт. ... дис. автореф. – Т., 2006. – Б. 27-28 (42); Имамов Р. Зўрлик ишлатмасдан талон-тарож қилиш жиноятлари учун жазо тайинлаш. юрид. фан. ном. ... дис. автореф. – Т., 2011. – Б. 18 (28).

⁶² Аванесов Г.А. Криминология и социальная профилактика. М., 1980; Игошев К.Е. Социальный контроль и профилактика преступлений. Горький, 1976.

олишнинг умумий ва якка профилактикага бўлиш кераклигини айтган⁶³. Шундай фикрни бошқа олимлар ҳам билдиришган⁶⁴.

Умумий профилактиканда оммавий ахборот воситаларидан фаол фойдаланилади. Безориликдан жабр кўрганлар ёки жабрланиш эҳтимоли бўлганларнинг виктимологик профилактикасига ҳам эътибор берилиши лозим. Буларнинг барчаси мамлакат бўйича давлат ва жамият томонидан амалга ошириладиган жуда кенг хажмдаги ишдир. Бундай профилактика мамлакатнинг барча аҳолисига нисбатан йўналтирилади⁶⁵, бироқ жиноятларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, эътибор айнан аниқ жиноий қилмишларга қаратилади.

Айрим олимлар умумий профилактиканда жиноятчиларга нисбатан қонунга итоаткор одамлар билан кўпроқ ишланади,⁶⁶ деб ҳисоблашади. Бошқа бир гурӯҳ олимлар умумий профилактиканда жазо чоралари ва уларнинг қўлланилиши тўғрисида хабардор бўлганларга нисбатан безорилик хулқ-атвори ва қонун нормалари тўғрисида тасаввурга эга бўлганларга таъсири кўпроқ самара беради дейдилар⁶⁷.

Биз умум учун мажбурий бўлган чораларни белгилаш ҳар доим ҳам мураккаб эканлигига қўшиламиз. Бироқ бу умумий профилактикандан воз кечиш кераклигини англатмайди.

Безориликлар миқдорини камайтиришга қаратилган умумий профилактиканинг чораларини амалга ошириш: 1) одамларни мазкур жиноятларни содир этишдан тийилиши; 2) фуқароларни безориликдан жабрланишининг олдини олади.

Умуман олганда, безориликнинг умумий профилактик чора-тадбирлари безориликка йўл қўймасликка қаратилган бўлади ва умумий профилактика обьекти аниқлаш имконини беради.

Умумий профилактика барча учун, кўпроқ безориликка мойил шахслар тоифасини ҳисобга олиб ўтказилади. Бироқ бундай чоралар тизимли, мақсадга йўналтирилган, жадал, социологик сўров натижаларини ҳисобга олиб, илмий асосда ўтказилиши лозим.

Махсус ва тўлиқ таҳлилсиз умумий ёки маҳсус олдини олишнинг қайси бири самарали эканлигини ҳам аниқ айтиб бўлмайди.

Безориликнинг маҳсус профилактикасини амалга оширишга келсак, бу борада қонун нормаларини қўллашда муайян муаммолар мавжуд, Ўзбекистон Республикаси “Хукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги конунида маҳсус профилактиканинг фақат илгари судланган, алкоголни суиистеъмол қилувчи ёки

⁶³ Исмоилов Н.Т. Вояга етмаганлар жиноятларини индивидуал олдини олиш муаммолари. юрид. фан. ном. дис. — Т., 2007. — Б. 21 (212).

⁶⁴ Лекарь А.Г. Профилактика преступлений. — М., 1972. — С. 124; Игошев К.Е., Устинов В.С. Введение в курс профилактики преступлений. — Горький, 1977. — С. 116.

⁶⁵ Игошев К.Е., Устинов В.С. Введение в курс профилактики правонарушений. — Горький. 1977. — С.40.

⁶⁶ Матюнин А.Ф. Криминологический анализ и предупреждение хулиганства. Дисс.на соис.уч.степ.к.ю.н.-Москва.2020 й. — С.162.

⁶⁷ Хренов А.В. Уголовно-правовые и криминологические аспекты борьбы с хулиганством. Дисс.на соис.уч.степ.к.ю.н.-Москва.2005 й. — С.120.

гиёхвандлик воситаларини, психотроп моддаларни ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилувчи шахслар ўртасида амалга ошириладиган чора-тадбирлари эканлиги (Қонуннинг 25, 26-моддалари) белгиланган. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг маҳсус профилактикаси эса «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларига ҳавола қилинган (Қонуннинг 27-моддаси). Ваҳоланки, Қонуннинг 24-моддаси 2-қисмида хуқуқбузарликларнинг маҳсус профилактикасини амалга ошириш учун асос сифатида айrim турдаги хуқуқбузарликларнинг кўпайиши кўрсатилган.

Юқоридагиларга асосан Ўзбекистон Республикаси “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги қонунда:

а) 6-моддаси биринчи қисми еттинчи хатбошини қўйидаги ифодалаш:

“таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасаларини – ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларини ёки бошқа болалар муассасаларини ўзбошимчалик билан тарқ этган ёхуд таълим муассасаларидаги машғулотларга узрли сабабларсиз келмаётган ёки муентазам равишда қатнашмаётган, *синфдошларига ва атрофдаги бошқа шахсларга нисбатан зўравонлик ҳамда шафқатсиз муносабат кўрсатаётган, мактабда совуқ қурол ёки бошқа шу каби қурол сифатида фойдаланиш мумкин бўлган ашёларни олиб юрган*, ҳамда давлатнинг ижтимоий ёрдамига муҳтоҷ бўлган вояга етмаганлар тўғрисида зудлик билан хабардор қиласди”;

б) 7-моддаси биринчи қисмини қўйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдириш:

“*вояга етмаганларнинг ёнида ўқотар қурол, пневматик қурол ёки совуқ қурол, бошқа шу каби инсонга жиiddий шикаст етказилиши мумкин бўлган ашёларни олиб юришига йўл қўймаслик*”;

в) 13-моддасини иккинчи қисмини қўйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдириш:

“*синфдошларига ва атрофдаги бошқа шахсларга нисбатан зўравонлик ҳамда шафқатсиз муносабат кўрсатаётган, мактабда совуқ қурол ёки бошқа шу каби қурол сифатида фойдаланиш мумкин бўлган ашёларни олиб юрган вояга етмаганларни аниқлаши, уларни тарбиялаши, уларнинг ота-онаси билан профилактик тушунтириши ишлари ўтказилиши, зарур ҳолларда ички ишлар организга зудлик билан хабар берishi чора-тадбирларини қўради*” мақсадга мувофиқ.

Шу боис хуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича тадбирлар тизимли бўлиши керак, деб хисоблаймиз. Ушбу тизим қўйидаги функцияларни ўз ичига олиши керак:

республика, вилоят, шаҳар, туман, тармоқ ёки фаолият соҳасидаги реал криминологик вазият тўғрисида зарур маълумотларни олиш мақсадида аҳолининг криминаллашуви ва векторлигига доир объектив статистик ҳисоб, социологик ва бошқа маълумотлар шаклларини ташкил этиш;

турли сиёсий ва ижтимоий-иктисодий вазиятларга қараб криминогенлиги ошиши ёки камайиши мумкин бўлган жиноятлар, бошқа ҳуқуқбузарликлар ва улар билан боғлиқ иктисодий, ижтимоий, ташкилий, ҳуқуқий жараёнлар тўғрисидаги ахборотни тизимли мониторинг қилиш ва таҳлил қилиш;

келгуси йиллар ва узоқ муддатли жиноятлар, унинг ҳар хил турлари ва уларнинг сабабий асосларини доимий прогнозлаш;

жиноятчиликни назорат қилиш ва олдини олиш бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг қриминологик экспертизасини жорий этиш;

назоратнинг зарур шакларини ўз вақтида ишлаб чиқиш, тегишли шароитларда эса уларни жинойлаштиришни олдини олиш мақсадида ижтимоий хавфли, оммавий, аммо қриминаллаштирилмаган хулқ-атвор турларини кузатиш;

ҳуқуқбузарликларни самарали назорат қилиш ва олдини олиш учун зарур бўлган куч ва воситаларни ҳисоблаш;

жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш;

жиноятчиликни назорат қилиш ва олдини олиш, криминоген омилларни бартараф этиш ёки заарсизлантириш, жиноят содир этиш эҳтимолини камайтириш бўйича комплекс ва мақсадли дастурларни амалий амалга ошириш;

жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг алоҳида турларига қарши курашиш бўйича тескари алоқаларни йўлга қўйиш мақсадида умумий ҳамда алоҳида чора-тадбирларнинг самарадорлиги ва харажатларини таҳлил қилиш;

аҳолини мамлакат, вилоят, шаҳар, туман, тармоқ ёки фаолият соҳасидаги қриминологик вазият, кўрилаётган чора-тадбирлар, жиноятчилик ва унга қарши курашиш харажатлари, олиб борилаётган профилактика ишларининг реал натижалари тўғрисида холис ва тизимли маълумотларга эга бўлиши;

аҳолини ҳуқуқий тарбиялаш ва ҳуқуқий тарбиялаш;

фуқароларнинг жиноий тажовузлардан хавфсизлигини таъминлаш, жиноятлар натижасида етказилган заарнинг ўрнини қоплаш бўйича давлат мажбуриятини реал бажариш.

Юқорида санаб ўтилган функциялар субъектларнинг анча кенг доирасига (асосий фаолият йўналишларига кўра) юқлатилган бўлиши керак, хусусан: давлат ҳокимияти органлари (унинг учта тармоғи), барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, соғлиқни сақлаш муассасалари, таълим, ижтимоий-ҳуқуқий тузилмалар, ОАВ, жамоат бирлашмалари ва бошқалар.

Хусусан, бу масалада ОАВ таъсирини ошириш учун, Ўзбекистон Республикаси “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ти қонуннинг 6-моддаси биринчи қисмида:

а) бешинчи хатбошисини қуйидаги мазмунда ифодалаш:

“вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида қонунга итоат этмаслик, зўравонликни оқлаш ва енил-елни йўл билан бойшини тарзиб қилиши;”

а) олтинчи хатбоишиси билан тўлдиришни таклиф қиласиз:

“*ёшлилар онгида қурол, шу жумладан совук қурол олиб юриши зарурлиги ёки эркак киши учун шарафлигини тарзиб қиласидиган, ундан низо ёки жсанжсалларда фойдаланишига ундаш ёки оқлаш;*”.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги қонуннинг 32-моддаси биринчи қисмини қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдиришни таклиф қиласиз:

“*ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахснинг хукуқбузарликлар ва жиноятлар содир этишини олдини олиши мақсадида уннг бўши вақти, қизиқишлари, атрофидаги танишлари ҳақида доимий хабардор бўлиши ва назорат қилиши;*”.

Хукуқбузарликтарнинг олдини олиш давлат вазифасига айланиб, кўрсатилган субъектлар томонидан узлуксиз ва маҳсус қонун асосида амалга оширилсагина, бизнинг фикримизча, безорилик жиноятчилиги ҳолатида албатта акс этади ва ижобий натижаларга умид қилиш мумкин.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукуқбузарликтарнинг профилактикаси тўғрисида”ги қонунда:

а) 6-моддаси биринчи қисми еттинчи хатбоисини қуйидаги ифодалаш:

“*таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасаларини – ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларини ёки бошқа болалар муассасаларини ўзбошимчалик билан тарқ этган ёхуд таълим муассасаларидаги машғулотларга узрли сабабларсиз келмаётган ёки мунтазам равишда қатнашмаётган, синфдошларига ва атрофидаги бошқа шахсларга нисбатан зўравонлик ҳамда шафқатсиз муносабат кўрсатаётган, мактабда совук қурол ёки бошқа шу каби қурол сифатида фойдаланиши мумкин бўлган ашёларни олиб юрган, ҳамда давлатнинг ижтимоий ёрдамига муҳтож бўлган вояга етмаганлар тўғрисида зудлик билан хабардор қиласи*”;

б) 7-моддаси биринчи қисмини қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдириш:

“*вояга етмаганларнинг ёнида ўқотар қурол, пневматик қурол ёки совук қурол, бошқа шу каби инсонга жиддий шикаст етказиши мумкин бўлган ашёларни олиб юришига йўл қўймаслик*”;

в) 13-моддасини иккинчи қисмини қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдириш:

“*синфдошларига ва атрофидаги бошқа шахсларга нисбатан зўравонлик ҳамда шафқатсиз муносабат кўрсатаётган, мактабда совук қурол ёки бошқа шу каби қурол сифатида фойдаланиши мумкин бўлган ашёларни олиб юрган вояга етмаганларни аниқлаш, уларни тарбиялаш, уларнинг ота-онаси билан профилактик тушунтириши ишлари ўтказиши, зарур ҳолларда ички ишлар организига*

зудлик билан хабар бериш чора-тадбирларини кўради” мақсадга мувофиқ.

Махсус профилактика уни амалга оширувчи шахслардан махсус, профессионал билимларни талаб қилганлиги учун ҳам шундай аталади. Масалан, безорилик каби объектга нисбатан махсус восита ва усулларни мазкур қилмишнинг хусусиятини билмасдан туриб, қўллаш мумкин эмас. Махсус восита ва усуллардан доимо професионал даражада фойдаланиш керак бўлади.

Амалиёт материалларининг таҳлили безориликка қарши курашища криминалистик хусусиятдаги профилактик восита ва усуллар зарур тезкор-қидирав тадбирлари билан биргаликда амалга оширилса, самараси кўпроқ бўлишини кўрсамоқда.

Дастлабки чоралар, қоида бўйича, илгари судланмаган шахсларга нисбатан қўлланилади. Жиноят содир қилишга мойил шахслар аниқланади, ушбу шахслар ва уларни ўраб турган яқин мухит ўрганилади, зарурат бўлганда, улар рўйхатга олинади, уларга нисбатан яшаш, ишлаш, ўқиш жойи бўйича ижтимоий назорат ўтказилади. Жиноят содир қилишга мойил шахсларга нисбатан профилактик таъсир қилиш, асосан, ишонтириш чоралари ёрдамида амалга оширилади.

Иккиламчи чоралар асосан илгари судланган, бироқ яна жиноят содир қилиш эҳтимоли бўлган шахсларга нисбатан қўлланилади. Бунда ушбу шахсларни аниқлаш, уларни махсус ҳисобга олиш, ўрганиш, муайян шароитларда уларга нисбатан маъмурий назоратни амалга ошириш зарурдир. Бундай «яширин жиноятчилар»да жиноий мақсадни аниқ қайд қилиш мухим ҳисобланади. Бундай шахсларга нисбатан амалиётда одатда, мажбурлов чоралари қўлланилади.

Бизнинг фикримизча, атипик жиноий-хуқукий муносабатлар жиноий жавобгарлик ёшига етмаган шахс томонидан ижтимоий хавфли қилмиш содир этган тақдирда ҳам юзага келади. Шунинг учун улар маълум даражада жиноят хуқуки нормалари билан тартибга солиниши керак.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Жиноят кодексининг 90-моддаси 5-қисми қўйидаги мазмун билан тўлдирилиши лозим: **“Жиноят таркибини ўз ичига олган хатти-ҳаракатларни содир этган, жиноий жавобгарлик ёшига етмаган ақли расо шахсларга нисбатан тарбиявий таъсир кўрсатишнинг мажбурлов чораларини қўллаш мазмуни ва тартиби Ўзбекистон қонунчилиги билан белгиланади”.**

Оммавий тартибсизликларни ва гуруҳий тартиббузарликларнинг олдини олиш бош омили бўлиб, профилактик характердаги махсус тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириши ҳисобланади. Уларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳудуддаги оператив вазиятнинг таҳлили, жамоатчиликнинг Ички ишлар органлари фаолияти тўғрисидаги ва вужудга келган вазият, яъни зиддиятли оммавий тартибсизликларга сабаб бўлувчи вазият ҳакидаги фикрини чуқур ўрганиш асосида амалга оширилади.

Ички ишлар органларининг раҳбарлари амалга оширадиган зарурий профилактика тадбирларини икки гурухга йиғиб ишлаб чиқади:

- юқори турувчи органлар томонидан амалга ошириладиган тадбирлар;

- бошқа давлат бошқарув органлари, корхона, муассасалар томонидан амалга ошириладиган ва бевосита бажариладиган тадбирлар.

Биринчи гурӯҳ тадбирлари бўйича. Ички ишлар органлари тегишли юқори турувчи органларни ахборот билан таъминлаб, тегишли аниқ таклифларни киритишлари лозим. Масалан, ҳокимият бошқарув органларига жиноятчилик ва жамоат тартибини ҳолати, жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортилган шахслар, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва вояга етмаган шахслар орасидаги жиноятчилик ҳолати тўғрисидаги маълумотларни тақдим қилишлари лозим. Шу билан бирга, Ички ишлар органларининг раҳбарлари туман, шаҳар, вилоят депутатлари кенгашларига ҳудуддаги профилактика ишларининг ташкил қилингандиги тўғрисида маълумот беришлари ва уни такомиллаштириш бўйича аниқ таклифларни ишлаб чиқиб тақдим этадилар.

Иккинчи гурӯҳ тадбирлари бўйича:

- жиноятчиликка қарши кураш ва жамоат тартибини сақлаш бўйича фаолиятни кучайтириш, шу жумладан, вояга етмаган шахслар орасида профилактика ишларини олиб бориш, “кўча”да содир этиладиган жиноятларга қарши курашни кучайтириш, оператив позицияларни мустаҳкамлаш, ёшлар тўпланадиган жамоат жойларида тунги клублар, дискотекалар, биллиардхоналар, спорт марказлари доимий равища агентура маълумотларини ўрганишни ташкил қилиш, яъни вужудга келиши мумкин бўлган зиддиятлар хусусидаги маълумотларни таҳлил қилиш, ушбу масалалар бўйича доимий равища агентура сўровини ўтказиб туриш, агентура ва ишончли шахслар орқали бундай салбий зиддиятларни ташкил қилувчи шахсларни аниқлаш бўйича тадбирлар ўтказиш, ППХ ходимлари фаолиятини самарадорлигини ошириш, уларни фуқароларнинг аризаларига муносабатини назорат қилиш, оғир жиноятларни ўз вақтида очиш.

- жамоатчилик ва давлат органлари ўртасида алоқани мустаҳкамлаш, оператив вазиятни барқарорлаштиришда оммавий ахборот воситалари орқали Ички ишлар органларининг жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини акс эттирувчи кўрсатув, эшиттириш, мақолаларни тайёрлаш ва жамоатчиликка намоён этиш, Ички ишлар органларининг раҳбарлари, жамоатчилик ўртасида давра сухбатларини ўтказиш кабилардир.

Ҳозирги кунда республикамиздаги амалдаги Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 29 июлдаги 205-сонли “Оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори⁶⁸ билан тасдиқланган норматив-хукуқий ҳужжатга асосан “оммавий тадбир” тушунчasi қуйидагича таърифланади: – “Кўнгилочар, театр-томуша, концерт, спорт, реклама дастурлари ва бошқа дам олиш дастурларини, шунингдек камида 100 киши иштирокида умумхалқ, диний, профессионал байрамларни ўтказиш мақсадида юридик ва жисмоний шахслар

⁶⁸ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 29 июлдаги «Оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 205-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2014. – № 32. – 398-м.

томонидан очиқ ва ёпик иншоатларда, майдонларда, биноларда ва бошқа жойларда ташкил этиладиган кишиларни түплаш оммавий тадбир деб эътироф этилади".

Жамоат тартибини сақлашга доир фаолиятнинг ташқи соҳасида турли вазифалар бажарилади. Бу вазифалар, биринчидан, кундалик жараёнларини тартибга солиш, айрим шахслар ёки гурухлар ҳуқуқий нормаларга амал қилишларини таъминлаш, шунингдек, улар ҳаракатлари ва ишлари ўзаро ва ташқи шароитга мос бўлишини таъминлашдан иборат. Иккинчидан, бу соҳада вужудга келадиган қонуний ишларни ҳамда одамларнинг мулоқотини нокулай ва табиий омиллардан муҳофаза қилиш таъминланади ва Ш.Х. Қушбоқов таъкидлаганидек. инсон ҳуқук ва эркинликларини таъминлаш учун муҳим пойдевор⁶⁹ ҳисобланади.

А.Н.Позднишев томонидан амалга оширилган жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминланишининг назарий асосларибнинг таҳлили натижалари бўйича ишлаб чиқилган хulosаларга⁷⁰ таянган ҳолда сиёсий-ижтимоий, майший, диний ва бошқа масалалар юзасидан ўтказиладиган ҳар қандай оммавий тадбир, йигилиш, митинг ва намойишлар ўтказиш даврида жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш қонун ва бошқа белгиланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар⁷¹ асосида бўлиши шарт деган хulosага келиш мумкин⁷².

Жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигига хавф оммавий тадбирларни ўтказишининг белгиланган тартибини бузиш, уларни ўтказиш жойини тайёрланмаганлиги, катта гуруҳдаги одамларнинг ҳаракатини тартибга солиш бўйича чораларни ўз вақтида қўрилмаганлиги сабабли содир бўлади. Жумладан, спорт иншоотларининг талаб даражасида жиҳозланмаганлиги оғир оқибатлар келтириб чиқаради.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси нуфузли ҳалқаро ташкилотлардан – БМТ, ШХТ, ЁҲҲТ, молиявий ташкилотлардан – Жаҳон банки, Европода тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё ривожланиш банки, спорт ташкилотларидан ҳалқаро олимпия қўмитаси, ФИФА, ОФФ ва бошқа соҳалардаги ҳалқаро ташкилотлар билан узвий ҳамкорликка киришмоқда, ушбу алоқаларнинг амалий ифодаси улар томонидан республикамизда турли хил ҳалқаро аҳамиятга эга бўлган оммавий тадбирлар ўтказилишида ўз аксини топмоқда. Айниқса, республикамизда ҳалқаро аҳамиятга молик бўлган оммавий тадбирлар даврида содир этиши мумкин бўлган жиноятларни олдини олиш ҳамда хорижий ва мамлакатимиз фуқароларини хавфсизлигини

⁶⁹ Қушбоқов Ш., Таджиев Э. Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган айрим тоифадаги маҳкумлар устидан маъмурий назорат ўрнатиш тартиби //Zamonaviy dunyoda innovatsion tadqiqotlar: Nazariya va amaliyot. – 2023. – Т. 2. – №. 4. – С. 35-44.

⁷⁰ Позднышев А.Н. Институт государственной службы в сфере обеспечения общественной безопасности (теоретико-методологические проблемы): Автореф.дис. ... докт. юрид. наук. – М., 2003. – 42 с.

⁷¹ Янгибаев А.К. Участие политических партий в формировании органов государственной власти (опыт узбекистана) //Право и жизнь. – 2016. – №. 10-12. – С. 118-130.

⁷² Янгибаев А., Аллаяров Н. Ўзбекистонда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг маъмурий-ҳуқуқий механизmlарини такомиллаштириш истиқболлари //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 114-118.

таъминлаш давлатимизнинг барқарор ривожланиши⁷³ учун пухта замин яратиши табиийдир⁷⁴.

Ички ишлар органларининг кўп йиллик амалий тажрибаларидан келиб чиқкан ҳолда жамоат тартиби ва хавфсизлиги таъминланадиган оммавий тадбирларнинг асосий белгиларига қўйидагиларни киритиш мумкин:

- кўп сонли кишилар оммасини бўлиши (минг, 10 минг ва 100 минга) бир неча минг иш ташлашлар, намойишлар, йирик спорт мусабақаларида;
- улар ҳаракатининг муайян тарзда ташкил этилганлиги;
- бундай оммавий тадбирларни жамоат жойларида амалга оширилишини;
- тадбир иштирокчилари мақсадларининг ягоналиги⁷⁵.

Бу қўрсатиб ўтилган белгилар ўзаро боғлиқ бўлиб, оммавий тадбирлар жараёнида уларнинг жамланмаси ва мустаҳкам уйғунлиги юзага келади⁷⁶.

Санаб ўтилган ҳарактерли белгиларни умумлаштирган ҳолда оммавий тадбирларга эътибор бериладиган бўлса, оммавий тадбирлар ижтимоий ҳаётнинг у ёки бу масканлари бўйича жамоатчилик фикрини ифодалаш мақсадида кўп сонли фуқаролар томонидан жамоат жойларида амалга ошириладиган фаол ҳаракатларнинг ташкилий шакли⁷⁷ бўлиб ҳисобланади⁷⁸.

Шунингдек, бизнинг фикримизча “оммавий тадбир” тушунчаси қўйидагicha таърифланиши лозим:

Оммавий тадбир – йиғилишлар, митинглар, намойишлар, кўча юришлари шаклида ёки кўнгил очар, театр томоша, концерт, спорт, реклама дастурлари ҳамда умумхалқ, диний, профессионал байрамларни ўtkазиш мақсадида майдонларда, кўчаларда, биноларда, ёпиқ иншоотларда ва бошқа жойларда умумий мақсад асосида одамларнинг тўпланишидир.

Республикамизда айрим оммавий тадбирлар ўтказиш даврида ташкилотчиларнинг йўл кўйган камчиликлари ёки юзага келган ижтимоий – иқтисодий шароит таъсирида жамоат тартибини бузилиш жиноятлари содир этилган. 2003 йил Тошкент шахридаги “Пахтакор” стадионида ўтказилган футбол мусобақасидан кейин Навоий кўчасида содир этилган безорилик жиноятлари⁷⁹ ёки 2004 йили Кўкон буюм

⁷³ Махмудходжаева У. М. Болаларнинг оилавий-хукукий мажбуриятларини тартибга солишини такомиллаштириш масалалари //Siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnalı. – 2022. – Т. 1. – №. 7. – С. 199-207.

⁷⁴ Qushboqov S. Jazoni ijro etish muassasalarining yuridik shaxs sifatidagi tushunchasini yoritishda nazariy tahlil //O'rta Osiyo ta'l'ım va innovatsiyalar jurnalı. – 2023. – Т. 2. – №. 2 Part 2. – С. 49-52.

⁷⁵ Күшбоқов Ш. Жазони ижро этиш муассасалари фаолиятида тадбиркорликнинг ўрни //Международная конференция академических наук. – 2022. – Т. 1. – №. 27. – С. 16-20.

⁷⁶ Норбутаев Э.Х. Ички ишлар органларининг лицензиялаш, рұхсат бериш ва хабардор қилиш фаолияти бўйича ваколатларини таҳлили //BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI. – 2022. – С. 56-60.

⁷⁷ Янгибаев А. Давлатнинг вакиличик органлари фаолиятида партиявий тузилмаларнинг ўрни ва аҳамияти //вестник каракалпакского государственного университета имени бердаха. – 2016. – Т. 30. – №. 1. – С. 89-92

⁷⁸ Киличев Х.М. Своебразие принципов организации органов самоуправления граждан в качестве юридического лица (На примере опыта Узбекистана) //Право и жизнь. – 2019. – №. 1. – С. 31-35.

⁷⁹ Тошкент шаҳар ИИБнинг 2003 йилга доир архиви маълумотлари.

бозорида оммавий тадбир даврида жамоат тадбирини бузиш жиноятлари⁸⁰ мисолида кўриш мумкин.

Россиялик хукуқшунос олим Д.А.Коротченковни фикрича, оммавий тадбирларни ўтказишида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда ўтказилаётган тадбирни қонуний ёки ноқонуний эканлиги ҳам катта аҳамиятга эгадир⁸¹.

Уюшган оммавий ҳаракатларни хусусиятига кўра қонуний ва ноқонуний турларга ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади⁸². Ўз навбатида ноқонуний оммавий тадбирни ҳам икки турга ажратиш таклиф этилади:

1) жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигига жиддий таҳдид қилмайдиган ноқонуний оммавий тадбирлар, бундай тадбирларга “транспорт, алоқа ташкилотларини ишини бузмайдиган, куч ишлатишга асосланмаган ноқонуний йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишлар” киритилади;

2) жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигига жиддий таҳдид қиладиган оммавий уюшган ҳаракатлар⁸³ (оммавий тартибсизликлар).

Ноқонуний оммавий тадбирни бундай гурухларга ажратишдан мақсад жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминловчи субъектларни (ички ишлар органлари ва х.з.) маҳсус воситалар қўллаш тўғрисидаги хукуқий нормаларини белгилашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Оммавий тартибсизликларга айланиб кетадиган ҳолатлар қўпинча бозорларда, хар қандай кўринищдаги ўйингохларда⁸⁴, истироҳат боғларида⁸⁵, одамлар тўпланадиган майдонларда, серқатнов кўчаларда, савдо расталарида, шунингдек, оммавий тадбирларни ўтказиш пайтида содир бўлади⁸⁶.

Бинобарин кўп одам тўпланадиган жойларда ва оммавий тадбирларни ўтказиш пайтида жамоат тартибини муҳофаза этишни ташкил қилишга, тартибузарликнинг олдини олиш ва чек қуишига доир ҳаракатлари тактикасига алоҳида эътибор бериш зарур⁸⁷.

⁸⁰ Фарғона вилояти ИИБнинг 2004 йилга доир архив маълумотлари.

⁸¹ Коротченков Д.А. Проблемы правового регулирования организации и проведения публичных мероприятий. Закон и право – 2006 – № 7.

⁸² Норбўтаев Э., Таджиев Э. Муқаддам судланган шаҳсларни кайта тарбиялашда ички ишлар органларининг роли //Zamonaviy dunyoda ilm-fan va texnologiya. – 2023. – Т. 2. – №. 4. – С. 16-19.

⁸³ Киличев Х. Особенности гражданско-правового статуса органов местного самоуправления в зарубежных странах (сравнительно-правовой анализ) //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 4/S. – С. 876-884.

⁸⁴ Норбўтаев Э. Х. Административно-процессуальные основы лицензирования оборота гражданского и служебного оружия в Республике Узбекистан //science and world. – 2013. – С. 29.

⁸⁵ Киличев Х. М. Гражданско-правовая ответственность сходов граждан и проблемы их обеспечения //Развитие юридической науки и проблема преодоления пробелов в праве. – 2019. – С. 127-128.

⁸⁶ 24 Исмаилов И., Мухамадалиев Д.С., Ҳасанов Ш.Ҳ. ва бошқ. Ички ишлар идораларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича фаoliyatini бошқариш: Маъruzalar kursi – Т., 2013. – 322 б.; Дъяков, И.А. Тактика действий органов внутренних дел по пресечению массовых беспорядков в Российской Федерации // В сборнике: Совершенствование огневой и тактико-специальной подготовки сотрудников правоохранительных органов сборник материалов Всероссийского круглого стола. – 2016. – 73 с.; Неклюдов, В. Совершенствование деятельности ОВД и ВВ по предупреждению и пресечению массовых беспорядков. – М., 2007. – 328 с.

⁸⁷ Янгибаев А., Алимов М. Йўл ҳаракати хавфсизлигини хукуқий таъминлашнинг янги босқичлари //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 12. – С. 293-297

Оммавий тадбирлар ўтказиш вақтида жамоат жойларида ножўя гаплар билан фуқароларни хақорат қилиш, фуқароларга шилқимлик қилиш ҳамда жамоат тартибини, фуқароларнинг осойишталигини бузадиган шу хилдаги бошқа ҳатти-харакатлари, агар бу ҳатти-харакатлар ўз ҳарактери жиҳатидан жиноий жазо чораларини қўллашни тақозо⁸⁸ этмайдиган бўлса, майда безорилик деб аталади.

Ҳозирги кунда ҳуқукни муҳофаза қилувчи органлар зарур замонавий курол-аслаҳа ва техника билан таъминланган бўлсада, оммавий тадбирларни ташкиллаштириш ва ўтказиш учун етарли равишда тайёр дея олиш қийин. Жумладан, айрим оммавий тадбирларни ўтказишга тайёргарлик кўриш ва ўтказишда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашдаги ички ишлар органларининг бевосита ҳаракатларида, бошқа ҳуқукни муҳофаза қилувчи⁸⁹ идоралар ҳамда ҳокимият ва жамоат ташкилотлари⁹⁰ билан ҳамкорлик қилишда тизимлилик етишмайди. Шунингдек, ходимларнинг мазкур тадбирлардаги ҳаракатлари ҳуқуқий жиҳатдан тўла таъминланмаган.

Агар биз ҳозирги кунда фақат Тошкент шаҳрининг ўзида юзга яқин тўй ва маросимлар ўтказиладиган жойлар мавжудлиги ва бундай тадбирларда 300 нафар ва ундан ортиқ фуқаролар иштирок этаётганлиги ҳамда ушбу жойларда ёнғин хавфсизлиги, йўл ҳаракати хавфсизлиги, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш чоралари деярли амалга оширилмаётганлигини кўриш мумкин. Бу эса ҳозирги кунда амалдаги оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарор билан юқоридаги муаммоли ҳолатлар ўзининг ҳуқуқий ечимини топмаганлигини намоён этади⁹¹.

Юқорида қайд этилган муаммолар таҳлили, ҳозирги кунга келиб, “Ўзбекистон Республикасининг оммавий тадбирлар ўтказиш тўғрисидаги қонуни” лойиҳасини ишлаб чиқиши ва уни қабул қилиш ва бошқа оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ бир қатор қонунларга ўзгартиришлар киритилиши лозим эканлигини тасдиқлайди.

Оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашга таъсир этувчи омиллар қўйидагилардан иборат:

– оммавий тадбирлар одамлар (омма)нинг (фаол ёки томошабин сифатидаги) иштирокини тақозо этади;

⁸⁸ Маҳмудходжаева У. Ички ишлар органлари томонидан ҳақ эвазига хизмат қўрсатиш соҳасида ҳуқукни қўллаш амалиётини такомиллаштириш масалалари //ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ. – 2021. – Т. 2. – №. 2. – С. 161-167.

⁸⁹ Qushboqov, Shohrux, and Muxtor Yetmishboyev. "Jazoni ijro etish muassasalari ishtirokida tuziladigan fuqarolik-huquqiy shartnomalarining mohiyati va ahamiyati." Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences 2.9 (2022): 76-80.

⁹⁰ Қиличев Х. Маҳалла фаолиятини ташкил этишда фуқаролик-хуқуқий шартномаларнинг ўрни ва ахамияти //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 265-267.

⁹¹ Маҳмудходжаева У. Боладан алоҳида яшаётган ота (она) нинг ота-оналик ҳуқуқларини амалга ошириш муаммолари //Юрист ахбортномаси. – 2022. – Т. 2. – №. 3. – С. 48-53.

- аввалдан белгиланган мақсадларга эга уюшган оммавий ҳаракатлар бўлиб, муайян субъектлар ташаббуси билан амалга оширилади;
- иштирокчиларининг сони ноаниқ бўлади;
- жамоат жойларда ўтказилади;
- белгиланган тартибда рухсат олиниши зарур⁹².

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, безорилик ва омаавий тартибсизликлар профилактикаси ўзига хос хусусиятга эга, ушбу йўналишда профилактиканинг шакл ва усуллари, турлари ва улар доирасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар тизими ҳам индивидуал равишда қўлланилади. Профилактиканинг мазкур жиҳатларини инобатга олмасдан ишни ташкил этиб ва юқори самарадорликка эришиб бўлмайди.

⁹² Янгибаев А. Маъмурий хукуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни электрон шаклда юритиш тушунчаси ва хукукий асослари //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 123-127.